



O'zbekiston «Adolat»
sotsial-demokratik
partiyasi

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2021-YIL 18-IYUN, JUMA * № 25 (1342)

info@adolatgzt.uz
www.adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat

Qaror ijrosi ўrganilmoqda



Онкологик ёрдамни такомиллаштириш — партия нигоҳида

Тошкент вилояти онкология диспансерида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари ва тиббиёт йўналишидаги экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Аввало, ишчи гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари У.Собиров раҳбарлигидаги соҳа мутахассислари ва мутахассислари билан учрашди. Учрашувда олиб бори-

лаётган ислохотлар, онкологик касалликларни даволаш учун 2021 йилга қадар 60 миллиард сўм ажратилган бўлса, Президентимизнинг Республика онкология марказига ташрифидан сўнг қўшимча яна 60 миллиард

сўм ажратилди. 2022 йилдан бошлаб химия препаратлари учун 125 миллиард сўм маблағ ҳар йили ажратилиши таъкидланди. Республика онкология марказида симуляцион марказ ташкил қилинган, кимётерапия 85 фоиз бепул дори-дармонлар билан амалга оширилиши ҳақидаги фактлар ишчи гуруҳнинг диққат марказида бўлди.

Соҳа мутахассислари томонидан жорий йилнинг 14 май куни давлатимиз раҳбарининг Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ташрифи тўғрисида сўз юритилди.

— Инсонлар яшаш тарзининг ўзгариши ва ирсий омиллар саратоннинг кўп учрашига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунга

келиб хавфли ўсма касалликларининг 200 дан ортиқ тури мавжуд. Саратон ҳар қандай аъзо, ҳар қандай тўқима ва ҳужайрада ривожланиши мумкин, — деди “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов. — Мутахассислар саратон сабабларини очиқлашда фаол изланмоқдалар. Дунё бўйича ҳар йили 200 мингдан ортиқ болада онкологик хасталик қайд этилиб, уларнинг ярми бу дунёдан кўз юмади. Умуман олганда, саратон борган сари ёшармоқда. Беморлар орасида 20–25 ёшлилар, ҳатто кичик ёшдаги болалар ҳам кўп учраётди. Эндиликда бу касалликка чалиниш ҳолатлари яратилган имкониятларга асосан, олди олинадиган, онкологик касаллигига чалинган беморларга эса бир қа-

тор қулайликлар яратилган бўлди.

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қароридан 100 минг аҳолига онкологик касалликлардан вафот этиш кўрсаткичини 38,7 фоиздан 35 фоизгача пасайтириш асосий мақсад сифатида қайд этилган.

Яқинда давлатимиз раҳбари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлиб, у ерда даволанаётган болажонлар ва уларнинг ота-нагалари билан учрашди.



Муносабат Тарихи ҳам, тақдири ҳам ўзаро туташ икки миллат

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, тожик ва ўзбеклар азалдан қардош, бири-бири билан дўст ва ҳамкор халқлар ҳисобланади. Зеро, бу икки миллат нафақат географик жиҳатдан қўшни, балки тарихи ва тақдири ҳам ўзаро туташиб кетган.

Тарихий дўстлик ва биродарлик ришталари кейинги бир неча йилда янада мустаҳкамланди, десак айни ҳақиқат. Бу борада, айниқса, Юртбошимиз сиёсий иродаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, у киши Президентлик ваколатига киришиши билан қўшни давлатлар, жумладан, Тожикистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш йўлини танлади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Тожикистонда бўлиб қайтди. Албатта, бу ташриф ҳам давлатларимиз алоқаларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бу галги ташриф натижалари ҳақида тўхталишдан олдин давлатларимизнинг ҳамкорлик борасида қўлга киритган ютуқларини яна бир бор ёдга олсак ўринли бўлади. 2017 йилдан буён икки мамлакат раҳбарлари ўртасида 8 марта табики икки томонлама учрашувлар бўлди, Президентларимиз халқроқ доирадаги тадбирларда иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг 2018 йил август ойида мамлакатимизга илк ташрифини алоҳида тилга олиш ўринли. Ушанда икки давлат делегациялари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, сув-энергетика ва бошқа муҳим соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган долзарб масалалар муҳокама қилинган ва ушбу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон давлатлари ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу ўзаро муносабатларда янги даврни бошлаб берди десак, мулобага бўлмайди. Музокаралар давомида 28 та икки томонлама ҳужжатлар имзолангани ҳам шундан далolat бериб турибди.

Бу, албатта, ҳаммаси эмас. Утган қисқа давр мобайнида иккала давлат раҳбарлари ўртасида жуда кўплаб учрашувлар, телефон орқали мулоқотлар, мамлакатлар ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, худудлар ўртасида ўзаро делегациялар алмашинувлари амалга оширилди. Муҳими, бу эзгу аъёна тобора жадал тус олмақда. Айтиш мумкинки, бу ҳамкорлик икки давлат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беради ва Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ҳамда ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



Бугунги сонда

НОҲАҚЛИКДАН
АЗИЯТ
ЧЕКАЯПМАН 4

ХОВОСТЕПА:
тарихнинг
очиладиган
сирлари 5

ХОЛИСЛИК
бирламчи мақсад
бўлиши лозим,
“Ў Ё А Ё”
ҲИ АН Rost
24

ТИК ТОҚдан

ЯНА БИР
БЕМАЗА ҚИЛИҚ 6

Фракция йиғилиши



Аҳоли саломатлиги йўлида

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг савдосида чекловлар жорий этилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда дастлаб “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, амалиётда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши бўйича белгиланган қоидалар ва чекловларга риоя этиш даражаси пастлиги кўринмоқда. Сабаби, амалдаги қонун ҳужжатларида ташкилий-ҳуқуқий

механизмларнинг кучсизлиги ва уларда бўшлиқлар борлиги, ваколатли органларнинг назорат қилиш соҳасидаги вазифалари, жамоат жойларида тамакисиз муҳит яратиш учун масъул бўлган шахсларнинг мажбуриятлари белгиланмаган. Шунинг-

дек, замонавий тамаки маҳсулотининг айланмасини тартибга солиш масалалари ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаган. Натижада аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бундай маҳсулотларнинг истеъмол қилиниши тез суръатларда ошиб бормоқда.

Шунингдек, мазкур лойиҳани ишлаб чиқишга яна бир зарурат — бу амалдаги қонун ҳужжатларида тамаки маҳсулотини реализация қилиш юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, қундалик ҳаётда бундай маҳсулотнинг чакана савдоси билан ақсарият ҳолатларда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ноқонуний шугулланилаётгани сабаб бўлмоқда.

Депутатлар эътироф этганидек, сўнгги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган Президент фармон ва қарорлари билан амалдаги қонунчиликда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш соҳасида белгиланган нормаларни қайта кўриб чиқиш ва ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида қатор ислохотлар олиб боришмоқда. Шунга қарамайдан, амалиётда яратилган шароитлардан тўғри фойдаланиш ўрнига айрим шахслар томонидан фақат ўз мақсади йўлида фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасида қатор қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да, уларнинг амалиётда ижро этилиш ҳолати қониқарли даражада эмаслигига эътибор қаратишди.



Онкологик ёрдамни такомиллаштириш – партия нигоҳида

Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология тиббиёт марказида онкологик ёрдам кўрсатиш тизимини яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президент барча ҳудудлардаги мутасаддилар ва соҳа вакиллари билан фикр алмашди. Онкология ва гематология хизматларини, айниқса, вилоятларда такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Учрашуларда Президент айтган яна бир муҳим янгилик — ҳар бир вилоятда ПЭТ-КТ (позитронно-эмиссионно ва компьютер томография) аппарати ўрнатилиши бўлди. Мазкур онкологияга ташхис қўйиш ва бемор ҳолатини доимий назоратда сақлаш учун энг керакли бўлган текширув саратонга тўлиқ ва тўғри ташхис қўйишни таъминлайди.

Депутатлар қарор ижроси юзасидан эндиликда фуқаролар ўртасида онкологик касалликларни камайтириш, касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши лозимлигини таъкидладилар.

2022 йил 1 январдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида мустақил фаолият юритадиган Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолияти йўлга қўйилиб, хорижий экспертлар ва етакчи илмий-тадқиқот муассасалари жалб қилинади. Шунингдек, 2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси бўлими негизда умумий шатлар ва стационар ўринлар доирасида Болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари ташкил этилади.

Ўрганиш давомида яна бир муҳим масала — даволаш сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Шу мақсадда жойлардаги онкология ва гематология шифоналарини таъмирлаб, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва қўшимча қўиқаларга эҳтиёж борлиги аниқланди. Шунингдек, малакали мутахассисларни жалб қилиш вазифаси белгиланди. Касаллик оқибатида оёқ-қўли ампутация бўлган беморларни протез маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Тиббий хизмат сифатини ошириш “Адолат” СДП Сайловолди дастурига киритилган устувор вазифалар қаторида эканлигини таъкидланди, бугунги кун талаби — партия депутатлари ва фаолларидан икки ҳисса масъулият талаб этиши эътироф этилди.

Ўрганиш ҳулосалари асосида янги чора-тадбирлар ҳамда вазифаларни амалга оширувчи масъуллар белгилаб олинди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



Тарихи ҳам, тақдири ҳам ўзаро туташ икки миллат

Бугунга келиб Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги 70 дан ортиқ келишувлар имзолангани, иккала давлатда ҳам кўплаб қўшма корхоналар фаолият юритаётгани, ишбилармонлар ўртасида амалий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида бизнес-форумлар ўтказилаётгани халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ўзига хос кўрсаткичларидир.

Сўнгги йилларда икки халқ ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар фаоллашгани ҳам таъкидлаш зарур. Икки давлат пойтахтларида миллий маданий марказлар очилди. Бизда тожик, у ёқда эса ўзбек тилига ихтисослаштирилган мактаблар самарали фаолият олиб борапти. Икки тилда чоп этиладиган газеталар фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Адабиёт ва санъат аҳли ўртасида ижодий сафарлар, концерт, кўргазма ва турли анжуманлар ҳамда маданият кунлари ташкил қилинмоқда.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби давлатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо алмашинувида ижобий ўсиш кузатилаётгани ҳам барчамизни мамнун этади. Пандемияга қарамай, ўтган йилда савдо алоқалари изчиллик билан давом эттирилди. Ўзаро товар етказиб бериш ҳамжи хизматларни ҳисобга олганда, кейинги икки йилда 10 баробарга кўпайди. Бунда транспорт воситалари ва хизматлари, тўқимачилик ва пластмасса маҳсулотлари ҳамда машиини техника воситалари асосий ўринни эгаллади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича келишувлар ҳам амалга оширилмоқда. Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланяпти. Ўзбекистон Тожикистонга табиий газ етказиб бермоқда, Тожикистондан электр энергияси сотиб олиш ҳамжи ортмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, ўтган йили, коронавирус пандемияси даврида ҳам Ўзбекистон ва Тожикистон МДХ давлатлари орасида энг юқори иқтисодий кўрсаткичга эришган бўлиб, бу ҳам мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли алоқаларининг ўзига хос натижасидир.

Президентимизнинг бу галги таширифи давлатлараро алоқаларни янги стратегик даражага олиб чиқди ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очди, дейиш учун барча асослар бор. Бунинг давлат раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари давомида Президентимиз томонидан айтилган: “Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар билан беқиёс ишларни амалга оширдик ва уллар ўзаро муносабатларимиз соломасидан ўрин олди”, деган эътирофи мисолида ҳам сезиш қийин эмас.

Умуман, музокараларда томонлар стратегик шерикликни кенгайтиришда қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни кўришга тайёрлигини билдирдики, шунинг ўзиёқ Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида мутлақо янги давр бошланганлигини билдиради.

Гавҳар АЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар ҳокими

Аҳоли саломатлиги йўлида

Музаффа АБДИЕВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

– Ўтказилган мониторинг ва текширувлар натижасида кўра, 2014 ва 2019 йилларда ўтказилган ижтимоий сўровлар шуни кўрсатганки, катта ёшдаги аҳоли орасида ёпиқ иш жойларида тамаки тутунини таъсирда бўлиш 15,6 фоиздан 37,5 фоизга кўтарилган, сигарета сотувини рағбатлантиришга қаратилган реклама ёки фаолиятга эътибор берганлар улуши 2,3 фоиздан 5,2 фоизга ошган.

Шунингдек, 2020 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тамаки маҳсулотининг чакана савдоси, реклама қилиш, сотувини рағбатлантириш, ҳомийлик қилиш юзасидан мактаблар атрофида ва бошқа жамоат жойларида ўтказилган жамоатчилик мониторингига кўра, қонун ҳужжатларида тақиқланган бўлса-да, сотув жойларининг 38,8 фоизи мактаблардан 200 метрдан кам бўлган масофада жойлашган, 94,8 фоизда тамаки маҳсулоти намоийшга қўйилган, намоийшга қўйилган ҳолатларнинг 76,9 фоизда тамаки маҳсулоти боланинг назари тушадиган даражада сотилганлиги нафақат биз депутатларнинг, балки ижтимоий фаол барча фуқароларимизнинг танқидига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида лойиҳа билан мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилашда, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳамда тамаки ва никотин истеъмол қилиш учун мосламаларни реализация қилишга доир чекловлар кенгайтирилмоқда. Жумладан, бундай маҳсулот ва мосламаларни йиғирма бир ёшга тўлмаган шахсларга ва йиғирма бир ёшга тўлмаган шахслар томонидан савдо ва реализация қилишни тақиқлаш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш мумкин бўлмаган жамоат жойларининг аниқ рўйхати кўрсатилиб, чекиш учун ажратилган махсус жойларга минимал талаблар белгилашда ҳамда белгилаш қоидаларининг ижро этилишини таъминлаш учун масъул шахслар мажбуриятлари аниқлаштирилмоқда.



алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг савдосида чекловлар жорий этилади

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

– Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан фуқароларнинг соғлигини алқоволь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлари яратилишига эришилди.

Шу билан бирга, қонун алқоволь ва тамаки истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликлар ва уллар туфайли юз берадиган барвақт ўлимлар қисқаради, жумладан, жигар

ва жигар ичи ўт йўллари раки, жигар циррози, нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари, юрак-томир касалликлари ва улларнинг асоратлари: миокард инфаркти, мия инсульт, атеросклероз ҳамда милк, лаб, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, ҳиқилдоқ, қизилўнағач ва ошқозон ракиннинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Фракция йиғилишида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ўзбошимчилик билан эгалаб олиш, ноқонуний қурилишларни амалга ошириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-

да”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Депутатлар томонидан айтиб ўтилганидек, мазкур ҳужжат лойиҳаси билан ерларни ўзбошимчилик билан эгалаб олиш, қурилиш қилиш, ерларни эгалаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик, кўчмас мулк объектларини кадастр рўйхатидан ўтказмаслик каби ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ва жарима тайинлаш ваколати яхлит Кадастр агентлиги органларига ўтказилмоқда. Бу эса салбий ҳолатларни тезкорлик билан бартараф этиш имконини яратди. Бугунги кунда мазкур вазифалар судлар, қурилиш, солиқ органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, Агроинспекция ва қисман кадастр органлари ваколатида эди.

Лойиҳа билан жиноят кодексига киритиш тақдир этилаётган асосий ўзгартиришлар қуйидагиларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, ерга оид жиноий жарималар ўртача 3-4 баробар оширилиши натижасида суғориладиган ерларнинг эгалаб олинишига йўл қўймаслик бўйича чора кўрмаслик учун жарима миқдори 24,5-36,7 миллион сўмдан 49-98 миллион сўмга оширилмоқда. Ер участкаларини унда қурилиш ишларини амалга оширмаган ҳолда ўзбошимчилик билан эгалаб олиш учун 12,2-24,5 миллион сўмдан 73,5-98 миллион сўмга оширилмоқда. Шунингдек, суғориладиган ерларни сотиб юбориш ёки бошқа ноқонуний

шаклда ўзгача бериш 122,5 миллион сўмгача жарима, 5 йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилашмоқда.

Биргина мисол, депутатлар республика миқёсида жами 49 минг 334 та ҳолат бўйича 11 минг 269 гектар ер майдони ўзбошимчилик билан эгалаб олинган, шундан ноқонуний эгалаб олиш бўйича 25 минг 862 та ҳолатда 7 минг 401 гектари (66%) бартараф этилганига алоҳида эътибор қаратиб, бу каби салбий ҳолатлар биринчи навбатда жамиятда ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги нормаларининг бузилишига олиб келишини айтиб ўтишди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида суғориладиган ерларни ўзбошимчилик билан сотиб юборган ёки эгалаб олган шахсларга нисбатан жиноий жазонинг муқаррарлиги таъминланади, ер ва кадастр соҳасида давлат назорати кучайтирилади, қонун бузилишларини барвақт аниқлаш, айбдор шахсларга дарҳол ва жойида жазо тайинлаш мумкин бўлади.

Йиғилишда муҳокама этилган шу ва бошқа қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақдир ва муносабатлар билдирилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Нигора КАМАЛОВА,
“Адолат” СДП фракцияси ижрочи котиби

Эътироф

«ЁШ АДОЛАТЧИЛАР ҚАНОТИ» РАИСИ

«ЭШ ҲАММИ ЭШ ОЛИМ»
ДЕБ МОҚИЛАДИ



Ўзбекистон давлат тиллари университетини талабаси Эъзоза Далиева яқинда Қозғистон Республикаси Нурсултон шаҳрида МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган «Энг ёш олим – 2021» халқаро танловида иштирок этиб, 1-Даражали диплом ҳамда «Энг яхши ёш олим» кўкрак нишонин билан тақдирланди.

Мазкур танлов Нурсултон шаҳрида 2019 йилдан буён аънавий тарзда ўтказилиб келинади. Лойиҳада МДХ давлатларининг илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшган энг яхши ёш олимлари иштирок этади.

Эъзоза Далиева шу кунга қадар бир қанча ютуқларга эришиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз фаоли, «Ёш адолатчилар қаноти» раиси нафақат илм-фан, балки бир неча йиллардан буён партия фаолиятига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси Эъзоза Далиева улкан зафарларга эришишига, ҳаммиша муваффақиятлар шоҳсупасида бўлишига тилакдошимиз.

Келгусидаги ишларида омад ёр бўлсин. Фаолимиз Ўзбекистон равнақида муносиб ҳисса қўшадиган кадр бўлишига ишонамиз.

Муносабат

Олий таълим тизимидаги устувор вазифалар белгилаб берилди

Замонавий ривожланган жамият ҳаётини бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан дунёнинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаб олинган. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Сўнгги тўрт йилда Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасаларида таълим бериш сифати янада такомиллаштирилиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати қайтадан шаклланди. Натижада ёшларимизнинг ўз орзу ва мақсадларига эришиши, соғлом ҳамда гўзал турмуш кечириши, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиши таъминланмоқда.

Жумладан, ёшларнинг олий таълим олишга бўлган қизиқишлари қўллаб-қувватланиб, кўриқчиларнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси 12 фоиздан 25 фоизга етказилди. 2018-2019 йилги ўқув йилидан бошлаб илк марта олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларида ўқишга қабул қилиш имтиҳонлари очик майдонли биноларда, юқори технологияларни жалб этган ҳолда ўтказила

бошланди. Ёшларнинг таълим олишга бўлган иштиёқини рағбатлантириш мақсадида 2019-2020 ўқув йили қабулдан бошлаб, абитуриентларга бир вақтнинг ўзида учта, 2020-2021 йилдан эса бешта таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, қабул квотасига мос равишда олий таълим муассасалари сонини ҳам 65 тадан 117 тага етказилди. Хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 бараварга оширилди. Аммо соҳада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинганда сифат борасида ўзгаришлар ҳали сезилмаётганлиги маълум бўлмоқда. Негаки, таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш борасида етарли натижаларга эришилмаган.

Куни кеча давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими юзасидан таклиф ва тавсияларга тўхталиб ўтилди.

Жумладан, бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги 815 та йўналишнинг 55 фоизи меҳнат бозори талабларига жавоб бермайди. Олий таълим муассасалари 2 мингга яқин фанлар бўйича дарсликлар билан таъминланмаган. Ўқув дастурлари бундан 40 йил олдинги фан ва йўналишлар асосида тузилган. Бундан ташқари, тизимда коррупция ҳолатлари учрамоқда ва бу жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан соҳа масъуллари олдида 4 та устувор вазифа белгилаб берилди. Эндликда олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг роли оширилиб, кафедралар ваколатлари кенгайтирилади. Ўқув жараёни бозор талабларига мослаштирилиб, ишлаб чиқариш билан узвийлик таъминланади. Талабаларнинг ўз устида ишлаш учун муҳит яратилади. Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қўғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартиришга қаратилган ишловлар амалга оширилади. Яъни, бундан буён ўқув режаси ва адабиётлар, фан дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкмаси ҳамда таълим шакллари белгилашни олийгоҳ бошқарув кенгашининг ўзи ҳал қилади. Энди ҳар бир кафедранинг фаолияти унинг илмий салоҳияти ва ёшларни селекция асосида илмий фаолиятга жалб этиш кўрсаткичларига қараб баҳоланади.

Бунинг учун нуфузли хорижий наشرларда мунтазам мақолалар чиқариб келаётган шунингдек, шоғирларни илмий ишларини ўз вақтида ва сифатли химоя қилган илмий раҳбарларга 5 тагача докторант ва 3 тагача мустақил изланувчи олиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, ҳар бир кафедранинг бир нафардан ёш олимий хорижга стажировкага юборилади.

Олий таълим муассасалари ректорлари томонидан кафедралар ҳузуринда илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилиб, улар ўқув-лаборатория жиҳозлари ва зарур техника билан таъминланади. Ҳар бир кафедранинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, ўқитувчиларнинг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратилади.

Шу ўринда мазкур ташаббусларнинг "Адолат" СДП Сайловонда дастурида белгилаб олинган вазифа ва мақсадлар билан ҳамроҳ эканлиги кишини қувонтиради. Жумладан, партия ўз дастурида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклики ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш масалаларига кенг эътибор қаратган.

Видеоселектор йиғилишида олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида тўхталиб

ўтилди. Келгуси йилдан докторантурага қабул квоталар сонини 2 бараварга, кейинги йиллардан ҳар йили 50 фоизга ошириб борилади. Бунинг учун ҳар йили бюджетдан қўшимча 100 миллиард сўм, ҳар бир тармоқ эса ўз соҳасига тегишли олийгоҳларга докторантлар квоталари учун яна 10 миллиард сўмдан маблағ ажратади.

Белгилаб олинган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида бугунги кунда олий таълим соҳасидаги энг катта муаммолардан бири — ётоқхона масаласи ҳам ҳал этилади. Ётоқхоналар тадбиркорлар билан хусусий шериклик асосида ташкил этилиб, бу биноларнинг биринчи ва иккинчи қавати бизнес учун тадбиркорларга берилиб, юқори қаватлари арзон турар-жой бўлади. Талабаларга у ерда яшаш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади.

Галдаги вазифа эса ҳар биримиз ўз бурч ва масъулиятимизни англаб етиб, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида бошланган ҳаётий ташаббусларга қатъий қўллаб-қувватлаш бўлишимизда. Чунки, бугун жамиятимизни ривожлантириб, фуқароларимиз турмуш тарзини яхшилаш борасида бошланган ҳар бир соҳадаги ишловларимизни амалга ошириш етакчи кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасалари локомотив вазифасини ўтайди.

Музафара АБДИЕВА,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Депутатлик гуруҳларида

Бугунги депутатлар ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг фаол сиёсий қатламини ташкил этмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ депутатларнинг демократик принцип асосидаги фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда халқ хизматчиси деган шарафли номни оқлашга ҳаракат қилишмоқда.



Кўчаларга сув тошмайди

Жумладан, депутат Луиза Ҳикматова ўз фаолияти давомида жуда кўп хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Олмазор туман ҳокимлигига киритган депутатлик сўрови натижасида жорий йил бюджет маблағлари ҳисобидан тумандаги 133-умумтаълим мактабининг спорт майдончаси учун ажратилган ерга замонавий спорт майдончаси барпо этилиши харақатлари бошлаб юборилган. Л.Ҳикматова ташаббуси билан 233-, 185-мактабларда ҳам ўқитувчиларга қулай шарт-шароит яратиб берилди, замонавий ўқитувчилар хоналари ташкил этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг ҳар бирига турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган 2 миллиард сўм маблағ ҳисобидан Луиза Ҳикматова фуқаролар мурожаатларига кўра «Хончарбоғ», «Мискин» маҳаллаларидаги ички йўлларни таъмирлатириди. Бу бўйича тегишли сессия қарори чиқарилишига ҳам эришилди. Депутатнинг яна бир хайрли иши сама-

раси ўлароқ Миробод туманидаги эски туғруқхона таъмирланиши халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 40-сессияси муҳокамасига қўйилиб, тегишли қарор қилинди.

Депутат Ташпўлат Матибаев эса Миробод туманидаги «Қизил арват» кўчасини қайта асфальтлашга, канализация қувурларини янгилашга ўз ҳиссасини қўшди. Таъкидлаш керакки, авваллари ушбу кўчада сув тошиб кетарди. Аҳоли вакиллари бундан жуда кўп азият чеккан. Бугунга келиб депутат ташаббуси билан мазкур муаммо ҳал этилиб, одамларнинг мушкул осон бўлди. Шунингдек, Т.Матибаев Миробод туманидаги ўрганишлари давомида 64- ва 448-МТТларни капитал таъмирлаш, туман СЭС ҳамда туман Ветеринария бўлимининг жорий таъмирлаш ишларига ҳам бошчилик қилмоқда.

Депутат Ботир Даминов Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаларидан иборат волонтерлар гуруҳи ташкил этиб, ҳар ҳафта ўз округида жойлаш-

ган маҳаллалар муаммоларини бартараф этишга куч сарфламоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нодира Каримова Тошкент шаҳри бўйлаб "Аёллар дафтари", "Темир дафтар" билан боғлиқ масалалар ечимига кўмаклашмоқда. Аҳоли ўртасида кенг тушунириш ҳамда тарғибот ишлари олиб бормоқда. Депутат Дилором Тошмухамедова Чилонзор туманидаги кўллаб таъмирга муҳтож, моддий-техник базаси етарли бўлмаган мактаб ҳамда боччаларни замонавий реконструкция қилдиришни ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган 2 миллиард сўм маблағ ҳисобидан амалга оширишни режалаштирган.

Сергели туманидаги кўллаб муаммолар депутат Собир Турсуновнинг саяё-ҳаракати туфайли эътибордан четда қолмапти. Тумандаги 589-, 593-, 598-МТТлар, 301-ҳамда 302- боччалар депутатнинг тегишли ташкилотларга ва мутасаддиларга мурожаатидан сўнг капитал таъмирлаш режасига киритилди. Шунингдек, «Ўзгариш» маҳалла-

сида болалар учун ўйингоҳлар, спорт майдончалари йўқлиги инobatта олиниб, депутат ушбу масалани ҳам ўз назоратига олган.

Депутатлик гуруҳи ўз фаолияти давомида жойлардаги кўллаб масалаларга ечим топиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олган. Бу бўйича ҳар йил бошидан бери 20 та масала халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар чиқарилишига эришилди. Қўрилиш, ичимлик суви муаммолари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги тартибга солиниши керак бўлган масалалар шулар жумласига қиради.

Таъкидлаш керакки, депутатларимиз ичида фидойи, ўз ишига виждонан ёндашадиганлари кўп. Зеро, депутатлар берилган имкониятдан оқилона фойдаланган ҳолда ўз бурчи ва масъулиятини унутмаслиги лозим. Шундангина сайловчилар улардан рози бўлади.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,
Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Акция давом этмоқда

БИР ТОМЧИСИ ИНСОННИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРИШИ МУМКИН

Инсон ҳаётида қоннинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Афсус, ана шу буюк неъматни суний тарзда ишлаб чиқаришнинг имкони йўқ. Инсон организмидан қон захирасини яратиб фақат соғлом кишиларнинг донорлиги орқали амалга оширилади. Донор қони мураккаб жарроҳлик амалиётларида, патологик туғруқ жараёнларида, жигар ва онкологик касалликларда, ўткир қон кетишида, оғир тан жароҳатларида, камқонликда, оқ қон билан оғриган беморлар учун ишлатилади.



Албатта, донорлик орқали қанчалаб бемор кишиларга ҳаёт бағишлаш хайри ва улғу амал ҳисобланади.

Шаҳар тиббиёт бирлашмасида донорлик учун йиғилган каттакўрғонликлар ана шу хайрли ва савобли ишни амалга оширдилар. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кенгаши ва Ўзбекистон "Адолат" СДП шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Бор меҳримиз сенга болажон!" акциясида шаҳар ҳокимлиги вакиллари, хотин-қизлар кенгаши, "Адолат" СДП шаҳар кенгаши вакиллари, маҳалла раислари ва хотин-қизлар бўйича мутахассислар, фуқаролар фаол иштирок этишди.

– Мен 6 йилдан буён донорлик қиламан. Иш фаолиятим давомида жуда кўллаб ана шу улғу неъматга муҳтож бўлган беморларни, хотин-қизлар, болаларни кўрдим. Ушбу инсонларнинг бугун ҳаёт эканликлариде, умрларининг узаяётганлигида ҳиссам борлигидан хурсандман, – дейди кўнгилли донорлардан бири, ўзини танитишни истамаган тадбир иштирокчиси.

Ҳилола ЭРҒАШЕВА

"Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"

муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмоқда



Маҳаллаларда "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"нинг ташкил этилиши аёллар ва ёшларни йиллар бўйи қийнаб келаётган муаммоларни бартараф қилишга имконият яратмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДП Гурлан туман кенгаши фаоллари ҳам "Аёллар қаноти" ташаббуси билан тумандаги "Янги боғ" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ҳамда "Темир дафтар"га киритилган хонадонларда бўлиб, уларнинг муаммолари, талаб ва таклифларини юзасидан ўрганишлар олиб боришмоқда.

Аниқланишича, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган, уй-жойини таъмирлашга муҳтож бўлган, нотурар жойларда истиқомат қилаётган ва психолог маслаҳатига муҳтож бўлган аёлларнинг 79 нафари "Аёллар дафтари"га киритилган.

Кредит олиш истагини билдирган ёшлар, руҳий маслаҳатга муҳтож ва ногиронлиги бўлган ёшларнинг 94 нафари "Ёшлар дафтари" рўйхатидан жой олган.

Гурлан туман кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ушбу дафтарларга киритилган хотин-қизларнинг яшаш шароитлари ва мавжуд муаммолари "маҳаллабай" ва "хонадонбай" тизими орқали ўрганилиб, "Аёллар дафтари"га киритилган, нотурар жойларда истиқомат қилаётган Н.Атажонованинг оилавий шароити ва яшаш шароитларини ўрганиш натижасида унинг вояга етмаган 3 нафар фарзанди борлиги, турмушдан ажраш-

уйи ўта таъмиртабалиги билан партия фаолларини эътиборини тортиди ва фаолларнинг туман ҳокимлигига қилган мурожаатига асосан, фуқаронинг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Шунингдек, "хонадонбай" ўрганиш натижасида фуқаро Ф.Мадаминова ўзининг тикувчилик йўналиши бўйича тадбиркорлигини амалга ошириш истаги борлигини, лекин кредит олишда муаммоларга дуч келганлиги юзасидан мурожаат қилди. Фуқаронинг мурожаати бўйича туман ҳокимлиги тадбиркорлик масалалари бўлими билан ҳамкорликда маҳалла тавсияномасига асосан, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун тавсиялар берилди.

Фуқаро З.Давлетованинг вояга етмаган фарзандлари учун нафақа пулини тайинлаш бўйича мурожаати ҳам ижобий ҳал қилинди. Ўрганишлар давомида маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ҳамкорликда маҳалладаги нуруний онахонлар ҳолидан ҳам хабар олиниб, уларга озиқ-овқат махсуслотлари тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, барча соҳалар қатори, хотин-қизларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун қаратилаётган эътибор ва яратилаётган имконият опа-сингилларимизнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларига хизмат қилмоқда.

Нилуфар САЛИМОВА,
Гурлан туман кенгаши "Аёллар қаноти" раиси

Фаолият

Қўшнинг девори қаердан урилади?

Марҳамат туманида яшовчи фуқароларда Ўзбекистон "Адолат" СДПга бўлган ишонч ортиб бормоқда. Сабаби, партиядошларимиз "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида худудларда бўлиб, жамоатчиликни қийнаётган муаммоларнинг ечимини топишда амалий кўмак бермоқда.

"Ф.Гулум" МФЙдаги хонадонларга борганда фуқаролар "адолат"чиларга ўз муаммолари билан мурожаат қилишди. 3 нафар фуқаро иш масаласида мурожаат қилган бўлса, 2 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида экани ва бунинг учун молиявий кўмак зарурлигини билдирди.

Юқоридаги муаммолар масъул ташкилотларга чиқиш орқали ҳал этилди.

"Гулубод" кўчасида яшовчи қўшчилар – С.Собирова ва М.Саримскаева ўртасида келишимчилик масаласи ҳам ўрганилди. Маълум бўлишича, икки қўшни арзимас жойини таллашиб, деворларини қаердан уришга келиша олмаётган экан. Маҳалла фаоллари билан биргаликда олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида қўшчилар мурожага келди.

Акбаржон НАЗАРОВ
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Самарқанд номига ДОҒ ТУШМАСИН!



ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Қадри юртдошлар!

Самарқанд азал-азалдан Шарқ гавҳари сифатида бутун дунёга машҳур. У башариятнинг чексиз хайрат, абадий меҳр-оқибат, нодир маданият ва буюк келажак шахри сифатида танилган. Ҳар қарич ери зар, ҳар ҳовуч тупроғи олтин. Шу боис унинг тупроғини кўзимизга тўтиё қиламиз, ҳар манзилини азиз ва муқаррам биламиз.

Аммо, сўнги кунларда ижтимоий тармоқлар орқали Самарқанд номи тез-тез салбий ҳолатлар билан тилга олинаётгани бу илоҳий макон номига соя солаётгандек. Биргина жорий йилнинг июнь ойининг биринчи ўн кунлиги давомида 10 дан ортиқ кишини таажубга соладиган, наҳотки Самарқандда шундай воқеалар рўй бераётми дея ҳавотирга туширадиган ҳолатлар юз берди. Энг ачирарлики, шошлинча, аниқ маълумотларга асосланмаган баъзи маълумотлар ижтимоий тармоқларда яшин тезлида тарқалиб, аҳоли орасида ушбу вазиятларнинг турлича талқин этилишига сабаб бўлмоқда.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида ички ишлар ходимлари бир фуқаронинг ўлимига сабабчи бўлгани айтилган маълумот, “Иморат эски қабрстонининг устига қуриляпти. Одамлар суюқлари чиқиб ётибди” сарлавҳаси остида аҳоли муурожаати акс эттирилган видео, “Ҳоким мени 3 йилдан бери алдайди. Судьялар, прокурорлар, милициялар қонунни шашқ қилиб миншяпти...” мавзусидаги видеомуро-

жаат, мактаб директори ўринбосари калтаклангани, фуқароларнинг бир-бирига оғир тан жароҳати етказгани, тез тиббий ёрдам шифокорининг калтаклангани ҳақида ва шу каби кўп хабарлар тарқалмоқда-ки, уларни ўқиб кишининг ақли шошади.

Ахир бундай қонуний тасдиғини топмаган, миш-мишлар асосида тайёрланган хабарларни тарқатишдан мақсад-муддао нима?!

Ҳўш, умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олинган, унинг беқиёс табиати, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган муғтоз зотларни бергани билан барчамизнинг чексиз фахримизга айланган Самарқанддан мана шундай ҳолатлар чиқса ярашадими? Не-не улуг зотлар эъзоз этган Самарқанд бундан азият чекмайдими?

Жаҳон тарихида салмоқли ўрин эгаллаган сиймо Буюк Амир Темура ардоқлаган Самарқандни дунёнинг буюк олим ҳамда мутафаккирлари, энг яхши меъмор хунармандлари маданият ҳамда санъат маркази деб билганлар ва шу жойга интиланганлар. Биз фуқаролар ҳам шундай азиз авлиқлар юртига муносиб бўлайлик.

Ўз юртини севдиган, унинг тараққиёти йўлида кечая кундуз меҳнат қилаётган, вилоят ривож йўлида фидойилик кўрсатаётганларга қамарбаста бўлайлик!

Илм ва тафаккур аҳлига, устоз, мураббий, педагогларимизга, шарафли ва покиза ҳаёт йўллари босиб ўтган ибратли ота-оналаримизга, юксак ҳулқли ёшларимизга, фидойи ҳуқуқ ҳимоячиларига, бир сўз билан айтганда, барча яхши ниятли кишиларга муурожаат қиламиз:

- ▲ азим Самарқанд шаънини кўз қорачигидек асрайлик;
- ▲ муборак номини, пиру қомиллар руҳини авайлайлик;
- ▲ анъана, қадриятларини эъзозлайлик;
- ▲ аждодларга муносиб авлод бўлайлик!
- ▲ “Самарқанд сайқали рўйи замин аст”, ахир!

Муҳиба БАБАБЕКОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси,

Гавҳар АЛИМОВА,
вилоят кенгаши депутати, Каттақўрғон шаҳар ҳокими,

Илҳомжон ТҲУХТАСИНОВ,
вилоят кенгаши депутати,

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, **Сарвиноз НАЖМИДИНОВА,**
вилоят кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг вилоят бошқармаси хотин-қизлар масаласи бўйича бош мутахассиси,

Тозагул ХОЛИҚОВА,
вилоят кенгаши депутати, Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи,

Муҳиба САЙФУДИНОВА,
Самарқанд шаҳар кенгаши депутати,

Озода НАЗАРОВА,
Самарқанд шаҳар кенгаши депутати,

Дилфуза КАМОЛОВА,
Самарқанд шаҳар кенгаши депутати, **Аҳмаджон МАМАТОВ,**
Самарқанд шаҳар кенгаши депутати.

“Адолат” шарҳи

БМТ Низомининг 33-моддасига кўра, Халқаро тижорат арбитражи низоларни ҳал қилиш шакли бўлиб, одатда, халқаро ҳуқуқда давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг усулларидан бири сифатида қўлланилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар доирасида инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи самарали меъёрий-ҳуқуқий база яратилиб, янада такомиллаштирилмоқда.

Албатта, хоржий ва маҳаллий ҳўжалик субъектлари шартномалар бўйича юзага келган келишмовчиликларни музокаралар орқали ҳам ҳал этишлари мумкин. Бу энг тежамли ва ҳар томонлама қулай йўл ҳисобланади, бироқ музокаралар доим ҳам қутилган натижаларга олиб келавермайди. Шу сабабли баъзи ҳолларда халқаро тижорат арбитраж судига муурожаат қилинади.

Халқаро тижорат арбитражи – бу ҳакамлик суди бўлиб, унинг асосий мақсади халқаро тижорат нисосини мазмуни бўйича муайян процессуал шаклда низоллашувчи тарафлар учун мажбурий бўлган қарор чиқариш йўли билан кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат. Арбитражнинг моҳияти шундаки, у низоллашувчи тарафлар ўртасидаги келишув асосида уларнинг бевосита иштироки ва назорати остида шаклланади.

Фаолиятнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиб, халқаро тижорат арбитражи тарафларга бир қатор афзалликларни тақдим этади. Тарафлар арбитражга ихтиёрий равишда ўзаро келишган ҳолда муурожаат қилади. Нисони кўриб чиқишда арбитраж суди фақат битта инстанцияни назарда тутаяди ва у томонидан чиқарилган қарор якуний ҳисоб-

ланиб, мажбурий равишда бажарилади.

Ўзбекистон тadbirkorлари билан иқтисодий муносабатлари бўлган хоржий тadbirkorлар ўз низоларини халқаро арбитраж судларидан ҳал қилишни афзал кўради. Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитражи суди ва тегишли қонунчилик йўқлиги туфайли аксарият ҳолларда хоржий ҳамкорлар билан тузилладиган шартномаларда барча низолар чет элдаги арбитраж судлари томонидан ҳал қилиниши кўзда тутилган.

Юқорида айтилганларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши низоларни судгача ҳал қилиш соҳасидаги энг самарали қарорлардан бири бўлиди, дейиш мумкин. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун 2021 йил 16 февраль кунини маъқуллади ва расман эълон қилинди. Мазкур қонун расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин кучга киради.

Бундай муҳим қадам ишларни кўриб чиқиши халқаро стандартлар даражасига кўтариш, тadbirkorларнинг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича низоларини тез ва малакали ҳал қи-

лиш имконини беради. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган халқаро тижорат арбитражи йўл, адвокат, таржимон хизматлари билан боғлиқ харажатларга зарурат бўлмаган туфайли маҳаллий тadbirkorлар учун очiqроқ ва тежамлироқ усул ҳисобланади.

Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад халқаро тижорат арбитражи фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Умуман олганда, қонун арбитраж келишувини тузиш тартибини, арбитраж суди таркиби ва юрисдикциясини, арбитраж муҳокамаси олиб борилишини, арбитраж қарорининг қабул қилиниши ва муҳокама туғатилишини, арбитраж қарори устидан шикоят қилиш жараёнини тартибга солади.

Тижорат арбитражи Ўзбекистон Республикаси суд тизимига кирмай, тўлиқ мустақил ҳисобланади. Арбитраж судларининг фаолиятига бирор-бир аралашувга, шунингдек, унга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди ҳамда бу Ўзбекистон Республикаси қонунчи мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунда арбитражнинг ва муҳокама иштирокчиларининг иммуниети, арбитраж судининг мустақиллиги, ваколатлари каби тушунчалар таърифи берилган. Жумладан, қонуннинг 6-моддасида арбитраж, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасаси ва унинг ходимлари арбитраж муҳокамасига тааллуқли ҳар қандай ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун, агар бундай ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик қасддан содир этилганлиги исботланмаса,

тарафлар ёки бошқа шахслар олдида жавобгар бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

Халқаро тижорат арбитражи фаолиятининг негизида низоллашувчи тарафларнинг арбитраж келишуви ётади. Арбитраж келишувининг асосий аҳамияти шундаки, айнан ушбу келишув халқаро тижорат арбитражга ваколатлар, яъни маълум бир турдаги ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган нисони кўриб чиқиш ҳуқуқини беради. Демак, арбитражга юклатилган ваколатлар доирасини тарафларнинг ўзи нисода арбитраж келишувини тузиш орқали белгилайди.

Қонуннинг 2-,3-бобларида арбитраж келишувининг шакли, арбитраж судининг таркиби ва юрисдикцияси мустақамланиб қўйилган. Хусусан, тарафларнинг шартномавий хусусиятга эгалигидан ёки эга эмаслигидан қатъи назар, бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга топшириш тўғрисидаги келишув арбитраж келишуви ҳисобланади. Арбитраж келишуви шартноманинг арбитраж шарти ёки алоҳида келишув тарзида тузилиши мумкин. Арбитражга келса, тарафлар ўз хоҳишига кўра арбитраж судини белгилаш мумкин. Бундай келишув бўлмаганда уч нафар арбитр тайинланади.

Арбитраж нисосининг тарафларига берилаётган қўшимча қулайлик – бу арбитраж жойидир. Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, Тарафлар арбитраж жойи тўғрисида ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин. Бундай келишув мавжуд бўлмаган

тақдирда, арбитраж жойи арбитраж суди томонидан иш ҳолатларини, шу жумладан, тарафлар учун қулайлик омиллини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Шу билан бирга, арбитраж нисосиди тарафлар чет эллик шахслар эканлигини эътиборга олиб, арбитраж муҳокамасининг тили муҳим роль ўйнайди. Қонуннинг 36-моддасида кўрсатилишича, тарафлар арбитраж муҳокамасида фойдаланиладиган тил ёки тиллар тўғрисида ўз хоҳишларига кўра келишиб олиши мумкин. Шунингдек, арбитраж суди ҳар қандай ҳужжатли далилларга уларнинг тарафлар келишиб олган ёки арбитраж суди томонидан белгиланган тилдаги ёки тиллардаги таржимаси илова қилиниши тўғрисида фармойиш бериши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, арбитраж судларида муҳокаманинг мутлақо махфийлиги таъминланиб, бу тарафларнинг халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа иштирокчилари олдидаги имиджи ва ишончлик бўлиши сақлаб қолиш имконини беради.

Хусусан, қонуннинг 53-моддаси арбитражнинг махфийлигини таъминлайди. Шу тариха, арбитраж муҳокамаси ва арбитраж муҳокама учун тайёрланган ҳамда ушбу муҳокама жараёнида тайёрланган барча ҳужжатлар махфий хусусиятга эгадир. Махфий ахборот уч сабабга кўра ошкор этилиши мумкин: қонунчиликка мувофиқ тарафнинг мажбурияти бўлса; ахборотни ошкор этиш арбитражнинг ҳал қилув қарорини ижро этиш ёки ушбу қарор юзасидан судда низоллашув учун зарур бўлса.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ушбу қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимиз низоларни умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ халқаро тижорат арбитражи орқали ҳал қиладиган бир қатор давлатлар даражасига кўтарилаётганидан далолат беради, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Анвар УСМОНОВ,
Ирина ҲАКИМОВА,
Тошкент шаҳар суди судьялари

Тахирсиз хат НОҲАҚЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕКАЯПМАН

Мутахассислигим врач-офтальмолог. Тиббиёт соҳасида оз эмас, нақ 40 йил ишладим. Аммо 2019 йил якунида ноҳақликка учрадим.

Меҳнат фаолиятимни 1982 йилда Бухоро вилоят шифохонасининг кўз касалликлари бўлимида бошлаганман. Кейинчалик – 1989 йилда бўлимимиз негизида Бухоро вилоят кўз касалликлари шифохонаси ташкил этилди. Шундан буён мазкур шифохонада врач-офтальмолог, шифохона поликлиникаси мудири, бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида ишладим. Россиянинг Санкт-Петербург ва Екатеринбург шаҳарларидаги тиббиёт муассасаларида кўз микрохирургияси бўйича тажриба ортирдим. Ўз касбимни, ишимни жуда яхши кўраганим ва бирор марта ҳам интизомий жавобгарликка тортилмаганим боис 2011 йилда бош шифокор этиб тайинландим. Айна лавозимда 2017 йилга қадар ишладим.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 августдаги мажлис баённомаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимининг 2017 йил 2 сентябрдаги 559-сонли қарорига мувофиқ Когон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимига ўтказилдим. Ушанда Президентимиз ташаббуси билан республика миқёсидаги мутахассислар вилоятлар шифохоналарига, вилоятлар тиббиёт муассасалари бош шифокорлари эса туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари бошлиқлигига ўтказилганди.

Албатта, вилоят офтальмология шифохонасидаги каби Когонда ҳам ўз ишимга сидқиқилдан, масъулият билан ёндошдим. Бироқ 2 йил ишлаганимдан кейин адолатсизликка дуч келдим. Аниқроғи, 2019 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси Бухоро вилоят бўлими томонидан бизнинг бирлашмада ўраганиш (тектириш) ўтказилган. Лекин мазкур ўраганиш жараёнида мен ишторак этмаганман. Негаки, мен 2019 йил 4 ноябрдан 11 ноябрга қадар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилоят филиалининг реабилитация ва физиотерапия бўлимида даволанишда бўлганман. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 9 декабрдаги 572-К-сонли буйруғи билан мени ишдан бўшатилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 январьдаги 18-сонли буйруғи талабларига зид равишда даволаш-профилактика муассасаларига 49 нафар ходимни 0,25 (чорак), 0,5 (ярим) ва 0,75 штат бирлигидан ишга қабул қилган, деган ваз бўлган. Айна буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тиббиёт ходимларини ишга қабул қилишда коррупциянинг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисидадир.

Тўғри, ушбу буйруқда 2019 йил 1 февралдан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида қоида тарихида асосий иш жойига тиббиёт ходимларини фақат тўлиқ ставкага қабул қилиш белгиланган. Қолаверса, буйруқда бажарилган қоида ҳодимнинг ўзининг асосий ишини беклашидан ташқари, бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши (ўриндошлик) асосида ишлаш, шунингдек, мажбур штат бирлиги ва бошқа объектив сабаблар ҳодимни тўлиқ ставкага қабул қилишга имкон бермайдиган ҳолатларга татбиқ этилмаслиги ҳам белгиланган. Шундай бўлса-да, мен ўша 49 нафар ходимни Когон туман молия бўлимининг штатлар жадвали ҳамда Когон туман бандликка қўмақлашши марказининг йўлланмаси асосида ишга қабул қилганман.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 январьдаги 18-сонли буйруғи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда қабул қилинмаган. Қолаверса, буйруқ мазмунидан келиб чиқиб айтиладиган бўлса, бирор-бир ходимни ишга қабул қилишда моддий манфаатдор бўлган эмасман. Ёки бу ҳақда кимдир менинг устимдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ёки вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ёхуд вазирликка муурожаат қилмаган. Аммо менинг бу хусусидаги вазирлигини инобатга олишмайди.

Менга ёмон таъсир қилган яна бир ҳолат шунки, ўраганиш далолатномаси билан таништиришмайди. Аксинча, 2019 йил 2 декабрь санаси билан менинг ўраганиш далолатномасида қайд этилган камчиликлар юзасидан тушунтириш хати ёзишдан бош тортиладиган тўғрисида далолатнома тузишган. Энг ажабланирлики, далолатномани имзолаган Соғлиқни сақлаш вазирлиги қабрлар бошқармаси бошлиғи А.Аҳмаджонов, тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Б.Исаев, бош мутахассис З.Халипова, етакчи мутахассис Н.Назаров ва шахсий таркиб инспектори С.Сатторовлар билан умуман юзма-юз кўришмаганман.

Энди ҳақли савол туғилади: мен ўраганиш мобайнида иштирок этмаган бўлсам, шунингдек, ўраганиш маълумотимни менга таништирилмаган бўлса, мен нима ҳақда ва қандай қилиб тушунтириш хати ёзаман? Қолаверса, мен билан учрашмаган масъуллар қанчагина тушунтириш хати ёзишдан бош тортиладиган хусусида далолатнома тузишмайди? Шунингдек, мен Бухорода бўлсам далолатноманинг Тошкент шаҳрида тузилагани қулайли эмасми?

Шундан кейин ҳам менга нисбатан бўлган адолатсизлик яқин топилди. Яъни, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорлигидан ишдан бўшатилган, менга бошқа иш беришмайди. Натijaда нақ бир йил ишсиз қолдим. Сўнг ўзим ишга кириш учун ҳаракатимни бошладим. Ана шу жараёнда Когон туман тиббиёт бирлашмаси қабрлар бўлими бошлиғидан меҳнат дафтарчамни беришларини сўрадим. Буни қаранки, бўлимдагилар меҳнат дафтарчамни топиб беришолмади. Кейин ўлим Азизжон Рўзиевни ҳам юбордим. Барибир ҳужжатим топилмади. Ҳўш, буни қандай тушуниш мумкин?

Айна пайтда – 2021 йил февраль ойидан буён Бухоро шаҳридаги 9-оилавий поликлиникада оидий врач-офтальмолог бўлиб ишляпман. Меҳнат дафтарчам йўқотилгани туфайли шунча йиллик иш стажимни тасдиқлаб беролмаганим боис ҳозир жуда кам ойлик оляпман. Ахир бир инсонга, 40 йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисга нисбатан шунчалик ноҳақлик қилиниши мумкинми?

Буеунги кунда 3 нафар фарзандимдан 2 нафари оғил-гоҳда тўлов-контракт асосида ўқийади. Уларни ўқитиш, уйли-жойли қилиш учун ишлашим ҳамда шунча йиллик иш стажим ва тажрибага мос иш ҳақи олишим керак-ку. Бироқ ҳанузгача бири иккинчидан қолшимайдиган ноҳақликлардан азият чекиб келяпман.

Ушбу масала адолатли ечим топишини ўстаيمان.
Ҳасан РЎЗИЕВ,
Когон тумани, “Сараён” МФЙ,
“Ёшлар” кўчаси, 29-уй

Кеча ва бугун

Сирдарё вилояти қадимий Сайхун дарёсининг қирғоқларида, Мирзачўл бағрида — бир томони Ташкент вилояти, иккинчи томони Тожикистон Республикаси, учинчи томони Қозоғистон Республикаси, тўртинчи томони Жиззах вилояти билан чегарадош ҳудудларда ястаниб ётибди. Вилоят бағрида Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқ олтин, Сардоба, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос туманлари жойлашган бўлиб, Гулистон, Ширин, Янгигер шаҳарлари қад ростлаган. Қадимий ёзма манбаларда вилоят ҳудудида тарихий шаҳарлар, кентлар, қалъалар бўлганлиги ҳақида маълумотлар кам учрайди. Лекин ўтган асрнинг 50-60-йилларида олиб борилган айрим археологик қазилмалар натижасида Ширин шаҳри атрофида қадимий қабристонлар ўринлари очиб ўрганилган, Боёвут тумани маркази ва Ховос туманидаги тепаликлар бағрида қадимий қалъалар, кентлар, қўрғонлар ўринлари борлиги аниқланган. Бу масканлардан топилган айрим осори-атиқалар ушбу қалъалар, қўрғонларда миллоддан олдинги III-II асрларда ва илк ўрта асрларда ҳаёт қизғин давом этганлигини кўрсатди. Демак, бу ерларда шаҳарсозлик, маданий ҳаёт олис ўтмишдан бошланган.



ХОВОСТЕПА:
тарихнинг

очилаётган сирлари

Бундан ташқари, яна бир маълумот ушбу жойлар ўтмиши шаҳарсозлик тарихи билан боғлиқ эканлигига тўла ойдинлик киритади. Маълумки, Самарқанд 2750-2800 йиллик тарихга эга шаҳар ҳисобланади. Мамлакатимизда тарихи 2500-2600 йилдан кам бўлмаган шаҳарлардан яна бири Ташкент вилояти ҳудудида жойлашган қадимий Қанг давлатининг пойтахти бўлган, эндиликда Қанқатепани номи билан аталган шаҳар вилоятлари саналади. Утмишда Харсанкат деб аталган бу шаҳар билан Самарқанд ўртасида савдо йўли, карвон йўли бўлганлиги шубҳасиз. Бу савдо йўли тахминларга кўра икки йўналишда ўтган. Биринчи йўналиш Самарқанд — Жиззах — Зомин — Ховос — Ширин — Боёвут орқали ўтиб, Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги Банокат (кейинчалик Амир Темурнинг кичик ўғли шарофига қайта тикланган Шоҳруҳия) дарёдан кечув шарҳига келиб туташган. Бу асосан, аҳоли пунктлари орқали ўтган "сув йўли" бўлган. Иккинчи йўналиш Самарқанд, Жиззах, Сардоба, Оқ олтин, Сайхунобод, Гулистон орқали ўтиб, дарё бўйидаги Банокат (Шоҳруҳия) кечув шарҳига келиб боғланган. Бу "чўл йўли" деб аталган. Иккала йўл Банокатда бирлашган, карвонлар Харсанкатга етиб олишган.

лариди карвонларнинг "сув йўли" бўлиб ўтган нуқталарида қадимий шаҳарлар, кентлар, қалъалар, қўрғонлар кўп бўлган. Вилоят ҳудудидаги энг қадимий шаҳарлардан бири Ховос ҳисобланади. Бу шаҳар даврлар силсиласида бузилиб, вайронага айланиб, қумилиб кетган. Эндиликда унинг ўрнида Ховос тумани марказига яқин жойда жойлашган маҳобатли Ховостепа ёдгорлиги қад ростлаб турибди.

Шажар қадимда катта ҳудудни эгаллаб-яшнаган. Бу даврда шаҳар мустақим мудофаа девори билан ўраб олинган. Мудофаа деворларининг маълум нуқталарида минорасимон буржлар бунёд этилган. Археологик қазилмалар жараёнида мудофаа деворларининг пастки қисми, минорасимон буржларнинг пойдеворлари, улғурғур қилиб солинган уй-жойларнинг қолдиқлари очирилиши натижасида шаҳар ҳаётига оид янги маълумотлар кўлга киритилди. Бу даврда ҳунармандчилик янада ривож топган. Ҳунармандчилик маросимларида ишлатиладиган турли хил идишларнинг, сопол ва тошдан ясалган урчқубошлар, суйдан тайёрланган ғалтақлар, бугдой ёрғучоқлар, гнелхларни янчадиган тош келилар, камон ўқларнинг учлари, тош мунчоқлар, товалар, кўплаб кўзаларнинг топилиши ҳам буни исботлайди. Айтиш шартки Ховос Буюк ипак йўлининг марказидаги, ҳам савдо йўлининг, ҳам ҳарбий йўлнинг чорраҳасидаги шаҳарга айланган. Бу ердан йўл тўрт тарафга — бир томони Хўжанд ва Фарғона орқали Хитойга, иккинчи томони Банокат кечуви орқали Харсанкат ва Дашти Қипчоққа, учинчи томони Самарқанд ва Бухорога, тўртинчи томони Усрушона пойтахти Бунжикатга тармоқланган. Шаҳар бу даврда катта ҳудудни эгаллаган.

Араблар босқини шаҳарга катта таълаф етказган. Лекин орадан кўп ўтмай қадим шаҳар ўрнида янги шаҳар қад ростлаган. Бу шаҳар қолдиқлари тепаликнинг учинчи маданий қатламидан жой олган. Ушбу маданий қатламдаги турар-жойлар, бинолар, иншоотлар қолдиқлари археологлар томонидан X-XIII асрларга тегишли деб баҳоланган. Бу маданий қатламдаги иншоотлар иккинчи маданий қатламдаги уйлардан қурилиши, бинокорлик усули, архитектураси жиҳатдан фарқ қилади. Энг муҳими, уйлар қурилишида аввалги даврлардаги хом гиштлар ўрнини пишган гиштлар эгаллаган. Натижада бинолар барпо этишда нақшлар, безакларга кўпроқ эътибор қаратилган. Бу маданий қатламда топилган нодир иншоотлардан бири XI асрга оид қадимий ҳаммом қолдиқларининг топилиши бўлди. Ҳаммом қолдиқларининг топилиши шаҳарда жуда кўплаб иншоотларнинг мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Маълумки, ҳаммомлар одатда масжидлар олдида қурилаган. Масжид эса битта ўзи барпо этилмаган, унинг ёнида мадраса, хонақо, минора ҳам тикланган. Демак, бу ҳаммом ёнида ана шундай иншоотлар мавжуд бўлган. Ҳаммом, таҳоратхонани қуриш учун қадимий мусулмон гиштлар ишлатилган. Бу маданий қатламдан мис тангалар, мисдан ясалган узуклар, сирланган қосалар, символ солинадиган кўзалар, сирланган лаганлар, куполлар ишланган нақшикор идишлар бўлақлари,

меъморий безаклар, сопол идишларга безак бериш учун ишлатиладиган қолип бўлақлари ҳам топилган. Ана шу қадимий осори-атиқалар орасида яна бир нодир ашё — Ҳумо қушининг босма усудда гўзал тасвири акс эттирилган чирқодон дастаси ҳам қазиб олинган. Ҳумо қушини ақдодларимиз бахт ва омад, фаровонлик рамзи деб ҳисоблашган. Номаълум мусавивир томонидан Ҳумо қуши Боги Эрам қўйнида ҳаёт гузаллигининг, абадийлигининг тимсоли сифатида акс эттирилган.

Ховостепада ҳаёт XVI-XVIII асрларда ҳам давом этган. Бу ёдгорлиқнинг тўртинчи маданий қатламидан археологлар томонидан топилган уй-жойлар қолдиқлари, сув йўллари, майиз қайнатиладиган ўчоқлар, сирланган лаганлар ва бошқа буюмлар мисолида аниқланди. Тепалик устида қалашиб ётган сопол буюмлар қолдиқлари ҳам ушбу даврдаги ҳаёт нишонларидан дарак беради.

Тепалик остидаги вайронага айланган шаҳарнинг ниҳоятда қадимий эканлигини археологик қазилмалар натижаларидан ташқари кўҳна қалъа атрофида жойлашган меъморий иншоотлар, қабристонлар, зиёратгоҳлар, мақбаралар, табаррук қадимжолар ҳам исботлайди. Қалъа атрофида олпита қабристон — Мозори кўтон, Мозори сайид, Мозори пари, Мозори шоҳид, Мозори дил, Мозори қавс жойлашган. Бу қабристонларнинг аксарияти тепаликнинг атрофларида, яъни қадимий Ховос шаҳрининг шаҳристонини ва работлари ўринларида пайдо бўлган. Бошқачароқ айтганда, босқинлар, урушлар натижасида работлар вайрон бўлиб, қабристонларга айланган. Қабристонларнинг кўпчилиги эса бу шаҳарда аҳоли кўп бўлганлигини кўрсатади.

Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, Ховосда 28 та табаррук қадимжолар бўлган. Эндиликда шулардан 12 таси сақланиб қолган. Шулардан бири "Ҳасти бузургон" зиёратгоҳи саналади. Бу зиёратгоҳда "Ҳасти бузург" лақаби билан улуғланган Жобир бобонинг қабри жойлашган. Ривоят қилишларича, Жобир бобо Ховос ва унинг атрофларига ислом динини ёйиш учун келган. Бу инсон Ховосни обод қилишда қатнашган ва халқ ўртасида илм-маърифат тарқатган. Шу сабабли "Ҳасти бузург" дея улуғланган. "Биби оча" зиёратгоҳида Жобир бобонинг турмуш ўртоғи Биби Ҳадича дафн этилган. Бу ерда она ёки бувига оча дея мурожаат қилишгани сабабли у киши Биби оча дея эътироф этилган. "Юсуфбобо" зиёратгоҳида эса қадимда Ховосда темирчилик билан шугулланган ва табиблик қилган, кейинчалик темирчилар пири деб улуғланган Юсуфбобо мақбараси мавжуд. "Шербобо" мақбарасида эса олис ўтмишда Ховосни дўшманлардан ҳимоя қилган, ҳимоячиларга бош бўлган, ниҳоятда бақувват, Иброҳим исмли шероқар инсон дафн этилган. Қадимий "Намозгоҳ" масжиднинг ховосликлар Жобир бобонинг етук донишманд фарзандлари шарофига "Саъду Саъид" (Сайидларнинг улуги) номи билан аташган. Бу зиёратгоҳларнинг аксарияти бугунги кунда обод масканларга айлантирилган.

Юқоридаги маълумотлардан ва археологлар қазилма ишларининг дастлабки натижаларидан аниқлашдики, Ховос ниҳоятда қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у камида 2400-2500 йиллик тарихга эга. Бу ерда археологик изланишлар олиб борган олимлар ана шундай хулосага келдилар. Лекин бу тарихий сана ҳам яқини хулоса эмас. Чунки археологлар тепаликнинг энг ости қисмидаги маданий қатламга етиб келмаганлар. Агар бундай маданий қатлам мавжуд бўлса, қадимий Ховоснинг ёши 2400-2500 ёшдан ҳам улғу бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун у нафақат Сирдарё вилоятидаги, балки мамлакатимиздаги, Ўрта Осиёдаги кўҳна шаҳарлардан бири, деб эътироф этилди. 2018 йилда Ховостепа ЮНЕСКОнинг маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилди.

Кўҳна шаҳарнинг Ховос номи билан қачондан бошлаб аталгани ва бу ном қандай маъно билдириши ҳақида аниқ

тарихий маълумотлар йўқ. Лекин бу борада баъзи тахминий фикрларни билдириш мумкин. "Ховос" сўзи араб тилидаги "хавос" сўзининг халқимиз тилида ўзгарган шакли. "Алишер Навоий асарлари луғати"да келтирилишича, хавос сўзининг иккита луғавий маъноси мавжуд. Биринчиси, хосиятлар, хоссалар, иккинчиси подшоҳ яқинлари, улуг зотлар, хос кишилар маъноларини билдиради. "Хавос"нинг бирлик формаси "хос" бўлиб, у махсус, алоҳида, юқори табақа мазмунларини англатади. Шундан келиб чиқиб, Ховос подшоҳ яқинлари, улуг зотлар, хос кишилар айтилган жой маъносини билдиради, дейиш мумкин. Тепаликнинг юксак нуқтасидаги Арк шаҳарнинг, ҳақиқатан ҳам, ҳукмдорлар қароргоҳи бўлганлигидан дарак беради. Шаҳарга бу ном, табиийки, араблар босқинидан кейин қўйилган. Араблар босқинига қадар шаҳар қандай ном билан аталганлиги ҳозирча номаълум.

Айни пайтда, ўрта аср ёзма манбаларида бу шаҳар ва унда яшаган баъзи улуг шахслар хусусида маълумотлар ҳам мавжуд. Жумладан, XII асрда яшаб ўтган улуг аллома Абдулкарим ас-Самъоний "Ал-Аносо" ("Насабнома") асаридан шундай ёзади: "Ховос Амударё ва Сирдарё ораллиғидаги Усрушонадаги шаҳар. Бу ердан кўп олимлар, зоҳидлар етишиб чиққан. Шулардан бири Абу Аҳмад Мусо аз-Зоҳид ас-Самарқандий ал-Ховасий. Уни Самарқандда бўлганимда учратдим. Бу киши фақих, тақводор, парҳезкор, инсонларни яхшиликка даъват қилувчи ва ёмонликдан қайтарувчи зот эди. Самарқанддан етти фарсах узокликдаги Қатовон қишлоғида рабоб билан қилган. Бу алломанинг аждоғлари — боболари бухоролик бўлган. Узи эса Ховосда туғилиб, шу ерда вафот этган. Қабри Самарқанддан ўн икки фарсах узокликдаги Бурнамад қабристонидadır. Улардан яна бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ховасий ҳам шу шаҳардан бўлиб, имом эди. Самарқанд алломаларидан ҳадис илмидан таълим олган. Бу кишидан эса Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилган". Бундан ташқари, Абу Комил ал-Басирийнинг "Музофот", Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Наҳшабийнинг "Ҳажжам аш-шуоҳ", Абу Хафс Умар ан-Насафийнинг "Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд" ва бошқа асарлари ҳам Ховос ва ховослик алломалар ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Ховостепа ёдгорлиги ва шаҳар кўринишлари 1900 йилдан кейин фотосуратларга ҳам муҳланган. 1909 йилда Чор Россияси пойтахтидан фотограф, этнограф олим Семен Прокудин-Горский Туркистонга келади. Бу ерда Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги қадимий шаҳарлар бўйлаб сайёҳат қилади. Ховос шаҳарчасида бўлиб, бу ердаги тепаликни, шаҳардаги уйларни, шаҳар атрофидаги жойларни, ховосликларни суратларга муҳрлайди. Унга яқин бу фотосуратлар тарих мулкига айланиб қолган. Улар эндиликда Америка Қўшма Штатларининг Конгресс кутубхонасида ва Россияда, Санкт-Петербургдаги Борис Ельцин номидаги Президент кутубхонасида сақланмоқда. Буларнинг бари Ховоснинг қадимий ва кўҳна тарихдан гувоҳлик беради.

Бугунги кунда Ховос тарихини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш, Ховостепа ёдгорлигини ҳамда унга ёндош зиёратгоҳларни сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш учун жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Туманда "Кўҳна Ховос маданий меросини асраб-авайлаб сақлаш маркази" ташкил этилган. Бу марказнинг фаолияти тарихни ўрганиш, археологик қазилмалар олиб бориш, маданий меросни авайлаб сақлашдан торттиб, уларни кенг жамоатчиликка танитишга бўлган барча жараёнларни қамраб олган. Хуллас, бугун тарихга эътибор, уни асл ҳолида тиклаш ҳар бир ховосликнинг чинакам мақсадига айланган.

...Ховос ёдгорлик тепалигининг энг юқори қисмига кўтарилсангиз тева-рак-атроф яққол кўзга ташланади. Бир томонда Курама тизмалари, иккинчи томонда Мирзачўл кенгликлари, учинчи томонда буралиб-буралиб оқаётган Сайхун, яна бир томонда Зомин тоғларига қадар бир-бирига туташиб кетган боғлар намоеъ бўлади. Бу ерда бир зум ўтирсангиз кўҳна тарих ҳаёлингизда жонланади: Зардуштийларнинг маҳобатли ибодатхоналари, Александр Македонскийнинг саф тортган лашкарлари ва Спитаменнинг озодлик учун қурашлари, араблар босқини ва уларга қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари, мўғуллар қирғини ва Жалолдин Мангуберди, Темур Маликнинг уларга қарши аёвсиз жанглари, соҳибқирон Амир Темурнинг буюк давлат барпо этиши, Чор Россияси ва шўролар давлатининг мустамлакачилик урушлари, халқимизнинг эрк, мустақиллик йўлидаги армонлари, орзу-умидлари ва истиклол қувончлари... Кўҳна Ховос ва бу шаҳарда яшаган халқ ҳам тарихнинг ана шундай йўлларини босиб ўтиб, бугунги кунларга етиб келди. Ховостепанинг юксак нуқтасидан яна бир ҳолат — унга ёндош Гулбаҳор, Хуснобод, Фарҳод, Зафаробод, Ҳавотог, Туркистон, Соҳибқор, Чаманзор ва бошқа шу каби қишлоқлар қайтадан обод бўлаётгани, унга яқин нуқтада "Ховос сити" деб номланган кўркам, гўзал шаҳар қад ростлаётгани ҳам намоеъ бўлади. Бир ёнда 2500 йиллик кекса тарих сирларини очмоқда, иккинчи томонда, келажак буй кўрсатмоқда. Ховос ана шундай ўзгаришлар, янгиланишлар ва бунёдкорликлар қўйнида яшамоқда.

Камол МАТЁҚУБОВ

Ривоят

Хулоса ўзингиздан...

Бир расмом гўзал расм чизди. Ва уни кўпчилик йиғиладиган жойга қўйиб, синаб кўрмоқчи бўлди. Расмни қўйиб, тепасига ёзиб қўйди: «Кимда-ким бу расмда озгина бўл-

сада камчилик кўрса, устига қизил қалам билан белги қўйсин!».

Кечқурун келиб қараса, расм қизил бўёққа тўлиб кетибди. У устози олдига бориб, расмдан воз кечмоқчилигини айтади.

— Йўқ. — деди устози унга. — Сен яхшиси иборани ўзгартир: ким расмда камчилик кўрса, уни тузатсин, деб ёзиб қўй.

Расмом устозининг айтганини бажарди. Буни қарангки, орадан бир неча кун ўтса ҳам, расмга ҳеч ким яқинлашмади.

— Кўрдингми, — деб кулди расмомнинг устози. — Бу ҳаётда ҳамма нарсадан хато топадиганлар кўп, бироқ шу хатони тузатмадиган — ислоҳ этадиганлар жуда кам...



Аччиқ, аммо очик гаплар

ХОЛИСЛИК бирламчи мақсада бўлиши лозим, "ПИАР" ЭМАС

Бугун исталган ахборотни дунёнинг исталган нуқтасига йўллаш имкони пайдо бўлган бир даврда яшаймиз. Интернет тармоғи орқали йўланаётган ахборотни на тутиб, на тўсиб бўлади. Афсуски, ҳаёт ва фаолиятимиз давомида кўриб турганимиздек, тарқалаётган ёки тарқатилаётган ахборотлар ҳар доим ҳам ишончли, тўғри ва ҳолис бўлавермас экан.

Бир жихатга эътибор берайман, кейинги вақтларда ўзини журналист-блогер сифатида жамоатчиликка намойиш қиладиганларнинг ҳар бир сўзи, фикри, хабари аксарият тармоқ фойдаланувчилари томонидан айни ҳақиқат сифатида қабул қилинишига кўникиб қолаётгандекмиз.

Гап шундаки, яқинда Rost24.uz ахборот сайти бош муҳаррири Анара Содикованинг ВВСга берган "Айтганларимдан айтолмаганларим кўп" сарлавҳаси остидаги интервьюсини кўрдим. Сўхбатда журналист пайтахтимизда ёлланма ишчилар, халқ тили билан айтганда, мардикорлик қилаётган инсонларнинг тақдирини таҳлил қилган, айрим кузатишларини, ҳулосаларини билдирган.

А.Содиқова журналист эканлигини билдирмасдан 2 кун мобайнида мардикор аёллар орасида юргани ва ишлаганини сўзлаб берди, уларнинг тақдирини айрим ҳолатларга тўхталиб ўтди. Журналист "қавариб кетган кўлар", "ҳордиқ чиқариш ҳақида хатто уйлаб кўрмаган аёллар" ҳақида гапирар экан, очиги, тиркичилик дарду ташвишлари билан оғир жисмоний меҳнат қилишга мажбур бўлаётган опа-син-

гилларимизга ачиндим, раҳмим келди.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИДА ХИС-ТУЙҒУ МУҲИМ МАНБАМИ ЭКИ ТАСДИҚЛАНГАН ФАКТЛАРМИ?

Лекин айни пайтда журналист Анара Содикова масалани профессионал журналист сифатида таҳлил қилмаганидан, очиги, ҳам ажабландим, ҳам хафа бўлдим. Наҳотки, тар-

моқда ўз ўқувчиларини топиб олган журналист мавзунини шу қадар бўш ўрганиши, мавзу юзасидан қисқа мuddатли кузатувлари асосидаги юзаки ҳулоса чиқариши тўғри бўлса?

Хафа бўлганимнинг сабаби, журналист ВВСдек нуфузли халқаро ахборот сайтига шу даражада юзаки маълумотларни тақдим этиши, бу билан Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги образига путур етказаяётганини тушунмагани билан боғлиқ. Йўқса, "чекка қишлоқларда илм олишга, нормал ҳаёт кечиришга шароит йўқ, энг бирламчи шароит йўқ", "назаримда, давлатимизда аҳолининг куйи, заиф қатламини ҳимоя қилиш, ўзини тиклаб олишга қаратилган сиё-

сат юритилмаган", деган иддаоларини қандай тушуниш мумкин?

Журналист мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқларда нормал ҳаёт кечиришга, илм олишга шароит йўқ, дейишга асосни қаердан олди экан?

"Обод қишлоқ" дастури асосида республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарида, авваламбор, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудлардаги қишлоқларда аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилашга қанчадан-қанча маблағ, куч йўналтирилаётгани, ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига манзилли кўмак кўрсатиш мақсадида аҳоли-

ларда "Темир дафтари", "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари" тузилганидан хабари йўқми журналистнинг?

Ёки "илм олишга шароит йўқ бўлган" чекка-чекка қишлоқларимизда таълим олаётган ўқувчиларимиз бир вақтнинг ўзида бир неча хорижий олий таълим муассасаларига кираётгани ҳақидаги хабарларни эшитмаганмикан?

Бу мақолани тайёрлаш асосида тармоқ фойдаланувчилари орасида "танқидни тўғри қабул қилмаслик", "эркин сўзни бўғишга интилиш" деган ҳулосани тамга қилиб ёпиштириб қўувчилар кўп-кўп топилишини билган, ҳис қилган ҳолда айтишим керак, шахсан ўзим ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий шароитини яхшилашга қаратилган мавзу кўп ва хўп муҳокама қилиниши, айрим жавобсиз қолаётган саволларга жавоблар изланиши, меъёрий-ҳуқуқий, таъкилий асосларимиз мустаҳкамланиши лозимлигини анчадан буён илгари суриб келаман.

Аммо бу борада давлат томонидан ҳеч бир иш қилинмаган, дея дунёга жар солиш, санокли одамларнинг тақдирини ҳақида сўзлаб туриб, бутун республикада шу аҳвол, дея баҳо бериш моҳир журналистга қанчалик ярашади? Агарда журналист ўзини ёлланма ишчи сифатида кўрсатиб, ишчилар учун ташкил этилган кунлик ишчилар марказига ёки, дейлик, касб-хўнар ўргатувчи "Ишга марҳамат" мономарказига борганида ва бу муассасалар ўз ишини қанчалик уйдаяпти ёки уйдаламаяпти, қайси механизм қаерига келганида иш берайман, қайси бири ишламаяпти, деб таҳлил қилганида, ана шунда профессионал журналистнинг иши аққол намоён бўлармики?

МАРДИКОР ХЎРЛАНГАН КАСБ ЭГАСИ ЭМАС

Яна бир муҳим гап. Аҳолининг муҳим иш билан банд бўлмаган қатлами, ёлланма ишчилар, журналист таъбири билан айтганда, мардикорлик билан шуғулланаётганларга ҳеч қачон осон бўлмаган. Уларнинг меҳнат фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, хавфсизлигини таъминлашга барчамиз бирдек масъулмиз, бу борадаги мавжуд бўлиқларни тўлдирришга эришишимиз керак.

Шу билан бирга, мардикорлар, ёлланма ишчиларга нисбатан паст назарда қарашдек эскича тенденциядан қутулиш вақти келган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар ким меҳнати, ҳаракати, ақлий салоҳияти, имкониятига қараб даромадга эга бўлиши, ўз

ХАФА БЎЛГАНИМИНГ САБАБИ, ЖУРНАЛИСТ ВВСДЕК НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО АХБОРОТ САЙТИГА ШУ ДАРАЖАДА ЮЗАКИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ, БУ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎСИГА ПУТУР ЕТКАЗАЁТГАННИ ТУШУНМАГАНИ БИЛАН БОГЛИҚ. ЙЎҚСА, "ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДА ИЛМ ОЛИШГА, НОРМАЛ ҲАЁТ КЕЧИРИШГА ШАРОИТ ЙЎҚ, ЭНГ БИРЛАМЧИ ШАРОИТ ЙЎҚ", "НАЗАРИМДА, ДАВЛАТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ КҮЙИ, ЗАИФ ҚАТЛАМИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЎЗИНИ ТИКЛАБ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН СИЁСАТ ЮРИТИЛМАГАН", ДЕГАН ИДДАОЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТУШУНИШ МУМКИН?

"оилавий мардикорлик қилиши"га ҳайратланиш ёки ачиниш эмас, балки айрим кимсалар каби ўғрилиқ, қаллоблиқ қилиб эмас, ҳалол меҳнат қилиб пул топаётганликлари, бошқаларнинг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшаётганликлари учун уларга раҳмат дейишимиз керак.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "мардикор" сўзи (ф. "тажрибали, ишбилармон одам, хизматкор" сўзини англатади) — "вақтинча ёки кундалик ёлланма ишловчи ишчи" сифатида ифода этилган.

ЁЛЛАНМА ИШЧИЛАР ХОРИЖДА ХАМ БОРМИ?

Меҳнат — инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматларни ишлаб чиқариш (яратиш) бўйича англи, мақсадли ва таққиланмаган фаолиятидир.

Меҳнат бозорида иш билан бандликнинг беқарор шакллари ривожланиб бормоқда. Бу шакллар меҳнат бозорида ижарага олинган меҳнат (loan labor), масофада туриб ишлаш, аутстаффинг ("штатдан ташқари"), аутсорсинг, коворкинг, фриланс, қраудсорсинг сингари йўналишлар юзага келган.

"Ёлланма меҳнат", "ёлланма ишчи кучи" тушунчалари луғатимизда азалдан бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Замонавий меҳнат иқтисодиётида "фриланс" (ингл. "freelance" — "эркин ёл-

лаш") пудрат асосида аниқ бир ишни бажаришга йўналтирилган мустақил иш билан бандлик тури сифатида қўрилади. Аксарият ҳолларда фрилансерлар иш берувчи меҳнат фаолияти билан бирор ижтимоий қадрлат талаб этмасдан, оғзаки келишиш ёки бир марталик шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширади.

Фрилансда иш берувчи фрилансерга фақат амалда бажарилган иш учун ҳақ тўлайди. Хоризги пайтда фриланс меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун 90 тадан кўпроқ касб-хўнар эгалари талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги пухта тайёрғарликни талаб этмайди.

Фрилансерликнинг афзалликлари фрилансер, яъни ишчида мустақил, ихтиёрий иш тартибини белгилаш имкони бор, хатто ўз фаолиятини уйдан туриб бажариш имкониятига ҳам эга. Шу билан бирга, иш берувчиларни ўзи танлай олади ва оиласи, жамоат ишлари билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлади. Айни пайтда фрилансер мунтазам равишда ўзи иш қилиришга мажбурлиги, даромаднинг муҳим эмаслиги ва унда ижтимоий қамқоқларнинг мавжуд эмаслиги бу йўналишнинг камчиликлари билан ҳисобланади.

Фриланс бозори дунёнинг аксарият мамлакатларида ривожланмоқда. Биргина АҚШда меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 37 фоизи, тахминан 57 миллион киши фрилансга жалб этилган.

Ҳулоса ўрнида айтиш лозим, танқид — келажак меваси. Танқидсиз жамиятни, давлатни ривожлантириб бўлмайди. Аммо танқид ҳиссиётга берилувчанликдан қўра соҳани яхши тушунган, илмий асосланган фактлар билан далилланган ва муаммонинг ечимига йўналтирилган бўлса, нур устига аъло нур бўларди.

Гулрух АГЗАМОВА, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Қаҳрдил ижтимоий тармоқчилар



ТИК ТОКдан ЯНА БИР БЕМАЗА ҚИЛИҚ

Инсон саломатлиги у озиқланаётган сув ва неъматлар соғлиғига боғлиқ бўлганидек, шахс дунёқарашининг соғломлиги ва илм савияси у ўзлаштириётган маълумот ҳамда билимларнинг манбаларига боғлиқдир. Ўз-ўзидан аёнки, бу жараёнда манбанинг ҳолислиги ва объективлиги, унга адолатли ёндашув катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, давримизда интернет тармоғидан фойдаланиш одоби ижтимоий одобларнинг энг аҳамиятлиларидан бирига айланди.

Аслида, интернет, айниқса, ижтимоий тармоқларни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад илм олиш имкониятларини оsonлашти-

риш, одамларнинг узоғини яқин қилиш, узаро муносабатларда қўлайлик яратиш эди. Бироқ, бугунги кунга келиб, уларнинг вазифалари тобора

кенгайиб, мақсадлари ҳам турланиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, ҳозирда ижтимоий тармоқлар илм-маърифат ва

АҲЛИ СУННА ЭЪТИҚОДИГА ҚЎРА, МУСУЛМОН БИЛИБ-БИЛМАСДАН КАТТА ГУНОҲНИ ҚИЛИБ ҚЎЙИШИ БИЛАН ДИНДАН ЧИҚМАЙДИ, ЛЕКИН ДИННИ, УЛАМОЛАРНИ БЕОБРЎ ҚИЛИШ ВА МАСХАРАЛАШ БИЛАН ДИНДАН ЧИҚИШ ХАВФИ БОР. ЧУНКИ УЛАМОЛАР ДИН НОМИДАН ГАПИРУВЧИ ШАХСЛАРДИР. УЛАРГА ОТИЛГАН ТОШ ДИНГА, ПАЙҒАМБАРГА ОТИЛГАН ҲИСОБЛАНАДИ.

зиё тарқатишининг муҳим воситаларидан бирига айланди. Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тизимидаги масжид, мадраса, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда имом-хатибларимиз веб-саҳифалари орқали халқимизга ва бутун дунёдаги ўзбекзабон мусулмонларга диний-маърифий маълумотларни етказиш имконига эга бўлишмоқда.

Бироқ, ҳар нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларнинг ҳам жиддий хатарлари юзага чиқмоқда. Жумладан, айрим ёшларнинг интернетдан ноўрин фойдаланаётгани, янчили иллатларни тарғиб этаётганини кузатишимиз мумкин.

Ижтимоий тармоқ орқали фикр билдириш ва бунинг ордидан мақтов ("лайк")ларни қўлга киритишга уриниш бугунги ёшларни тобора ўз домига тортмоқда. Бунинг салбий томони шундаки, фойдаланувчи бун-

дай "лайк"ларни яна ва яна олишни истади ва роҳатланади.

Албатта, ижтимоий тармоқни буткул ёмонга чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Ижтимоий тармоқ ҳам телевидение, радио каби бир восита.

Яқинда Тик Ток ижтимоий тармоғи орқали тарқалган айрим зиёли, халқ орасида обрў-эътибор қозонган аҳли илм, имом, уламоларни масхара-лаб, обрўсизлантиришга қаратилган лавҳа ҳар бир мусулмон кишининг қалбини ларзага келтирди.

Айтиш жоизки, Расулulloҳ солаллоху алайҳи васалламдан сўнг одамларни ҳаққа чақирадиган, билмсизларга таълим берадиган, адашганларни йўлга соладиган ва халқ орасида бидъат амаллар тарқатишининг олдини оладиган зотлар уламолардир.

Омма олдида имомни беҳурмат қилиш, обрўсини тўқиш ҳаром амал ҳисобланади.

Аҳли сунна эътиқодига қўра,

мусулмон билиб-билмасдан катта гуноҳни қилиб қўйиши билан диндан чиқмайди, лекин динни, уламоларни беобрў қилиш ва масхаралаш билан диндан чиқиш хавфи бор. Чунки уламолар дин номидан гапирувчи шахслардир. Уларга отилган тош динга, пайғамбарга отилган ҳисобланади.

Уламоларимизни ҳурматлаш, уларга манфаат етказиш қўлимиздан келмаса, зарар беришдан сақланишни ёшларимизга ўргатайлик. Айнан ҳозирги глобаллашув даврида миллий ва умуминсоний кадриятларни ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгаги сингидириш, "оммавий маданият"га қарши иммунитетни шакллантириш долзарб масаладир.

Қўлгина мусулмон давлатлари ва хаттоки айрим Ғарб давлатларида ҳам Тик Ток блокланган ва ёки блокланмоқда. Тўғри, айримлар бу шунчаки кўнгилочар тармоқ дейди ва бундан ҳеч қандай хавотир йўқ дейишади. Лекин танганин иккинчи томони ҳам бор, биз ёшларимизни, фарзандларимизни йўқотиб қўймоқдамиз. Улар ҳам онг жиҳатидан, ҳам жисмонан ривожланиш ўрнига борган сари таназзулга учрашмоқда ва бу даҳшат. Алхамдулиллаҳ, биз мусулмонмиз. Лекин мусулмонликни давво қила туриб бундай видеоларга индамай қўз юмишимиз, аҳли илмни ҳақоратлаётганларнинг жазолашни талаб қилиб чиқмаслиғимиз тўғримики, АЗИЗ ЗАМОНДОШ!?

Бобур МАМИРОВ, Тошкент вилоят кенгаши раиси

Logo of ADOLAT and O'ZBEKISTON SO'IAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. Text: Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Boш муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ. Тахрир хайъати: Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Мухаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ. Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Умиджон СУЛАЙМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Ўқимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-14 (144); Котибият — 71 288-42-12 (132); Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15. Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова, Навбатчи — Абдуғани Содиков

1995 йил 22 февралдан чиқиб бораётган. info@adolat.uz, adolat@uz@mail.ru. ISSN 2091-5217. 1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 600. «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй. Адади — 1792. Босишга тоширилган вақти — 21.00. Босишга тоширилган — 21.30. Баҳоси келишилган нархда. Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.